

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг
2018 йил тўққиз ойлик яқунлари бўйича таҳлилий
М А Ъ Л У М О Т И**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат Дастури, 2011 йил 23 февралдаги “2011–2015 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари асосида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурслари хизматларини янада сифатли ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1487-сон, 2012 йил 20 мартдаги “Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси – ахборот ресурс маркази фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида”ги ПҚ-1729-сон, 2017 йил 17 августдаги “Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-3223-сон, 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарорлари, 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги ўринларда – Миллий кутубхона деб юритилади) томонидан 2018 йилнинг тўққиз ойида қуйидаги ишлар амалга оширилди.

1. Миллий кутубхонанинг асосий кўрсаткичлари

Миллий кутубхонанинг умумий фонди – **7 325 941** нусхани ташкил этиб, шундан босма фонд **6 667** нусхага кўпайди ва умумий сони – **6 740 731** нусхани, электрон кўринишдаги ресурслар – **16 816** нусхага кўпайиб, умумий сони **590 255** тага етди.

Миллий кутубхона рўйхатидан ўтган фойдаланувчилар сони жами – **208 749** нафарни ташкил этиб, ҳисобот даврида кутубхонада **20 830** нафар фойдаланувчи рўйхатга олинди. Ўтган давр мобайнида фойдаланувчиларнинг жами ташрифи – **697 142** маротабани, шундан: кутубхонага ташриф буюрганлар – **594 319**, кутубхона веб-сайтидан фойдаланганлар – **102 823** нафар, китоб бериш – **3 938 601** нусхани ташкил қилиб, веб-сайтдаги ички манбаларга – **313 937** та муурожаатлар бўлди.

Автоматлаштириш жараёнларини жорий этиш бўйича электрон ресурсларни яратиш, жумладан, электрон каталогни тўлдириш ишлари – **673 628** электрон библиографик ёзувларни электрон нашрларни ташкил этди.

Сканерлаш ва нусха кўпайтириш хизмати томонидан фойдаланувчилар томонидан кўп сўраладиган ҳамда янги адабиётларни электрон нусхасини яратиш бўйича ишлар олиб борилиб, ҳисобот даврида жами **16 875** та нашрларни тўлиқ электрон нусхалари яратилди. Жумладан: китоблар – **6 140**, авторефератлар – **2**

420, кўлёмалар, нодир ва алоҳида қимматга эга нашрлар 103, газеталар – 8 212 нусха.

Ҳисобот даврида Миллий кутубхонани молиялаштириш учун давлат бюджетидан 3 879 062,0 минг сўм, шу жумладан, ходимларнинг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларига – 1 895 610,0 минг сўм, ижтимоий тўловлар учун – 455 299,0 минг сўм ва бошқа харажатларга – 1 528 153,0 минг сўм миқдоридан маблағлар ажратилди. Ўртача ойлик маош 1400,0 минг сўмни ташкил этди. Миллий кутубхонанинг муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмас. Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида Миллий кутубхона томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматини айрим турлари (ахборот-кутубхона тармоғи) бўйича тўлов асосида жами 816 846,0 минг сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди.

2. Маънавий-маърифий ва оммавий тадбирларни ўтказилиши тўғрисида

“Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2017 йил маънавий-маърифий тадбирлар режаси” ишлаб чиқилиб, Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан келишилди (2018 йил 22 январь).

Ҳисобот даврида Миллий кутубхона жами **221** та маънавий-маърифий тадбирларни ўтказди. Шундан:

Ўзбекистоннинг муҳим ва унутилмас саналарига бағишланган **82** та мавзули ва шахсга оид кўргазмалар, **18** та “Миллий кутубхонага келиб тушган янги нашрлар” кўргазмалари;

расмлар ва амалий санъат асарлари кўргазмаси **8** та;

муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда **42** та ижтимоий-маданий тадбирлар ва Миллий кутубхонанинг 2017 йилга мўлжалланган маънавий-маърифий тадбирлар режасига асосан **71** та тадбирлар ташкил қилинди. Жумладан:

Китоблар тақдимотлари

Ёзувчи Набижон Хошимовнинг “Чаёнлар сўкмоғи” романи тақдимоти;

Дипломат Баходир Абдураззоқовнинг 90 йиллиги муносабати билан “Дипломат – зеркало ҳосударства” китоби тақдимоти;

Аркадий Калонтаровнинг “Подвиг и память” (Жасорат ва хотира) китоби тақдимоти;

Кинематографист, сценарист Жасур Исҳоқовнинг “Сны о старом Ташкенте” китоби тақдимоти;

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Иброҳим Норматовнинг “Озодликка бахшида умр” китоби тақдимоти;

Истеъдодли ёзувчи ва таржимон Тоғай Муроднинг рус тилидаги “Тарлан” китоби тақдимоти;

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, олий тоифали суҳандон Муслимбек Йўлдошевнинг “Суҳандонлар” китоби тақдимоти;

“Қатағон қурбонлари хотираси” давлат музейи ва “Шаҳидлар хотираси” жамоат фонди томонидан тайёрланган “Ғози Юнус”, “Ўзбекистонда совет даврида

амалга оширилган сиёсий кампаниялар”, “Свидетели репрессий тоталитарного режима в Самарканде: архитектура и люди” китоблар тақдимоти;

Актриса Дилором Каримованинг “Пўртана” (Аждарҳо комида) китоби тақдимоти;

Профессор Аҳаджон Ҳасановнинг “Илк ислом тарихидан маърузалар” китоби тақдимоти;

“Олтин қалам” давлат мукофоти совриндори, таниқли режиссёр Ҳамид Қахрамоновнинг “Даҳолар сув ичган дарёлар” китоби тақдимоти;

Саидмухтор Саидқосимовнинг “Улуғ инсонлар маънавияти” китоби тақдимоти;

Шоира Зулфия Мўминованинг “Аёлга гул беринг” китоби тақдимоти;

“Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг долзарб масалалари” монография тақдимоти;

“Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва бу соҳадаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини ривожлантиришнинг долзарб муаммолари” монография тақдимоти;

“Ислом Каримов – мустақил Ўзбекистон асосчиси” китоб-альбоми тақдимоти;

Саидмухтор Оқиловнинг «Абу Мансур ал-Мотуридий» китоби тақдимоти;

“Самарқанд алломалари”, “Ишиднинг ботил ғоялари ва уларга раддиялар” китоблари тақдимоти;

Саидмухтор Оқиловнинг «Абу Мансур ал-Мотуридий» китоби тақдимоти;

Муҳаммаджон Обидовнинг “Буюк Ипак йўлидаги Шинжон” китоби тақдимоти;

Шоҳиста Ўлжаеванинг “Амир Темур дипломатияси” китоби тақдимоти;

Искандар Раҳмоннинг “Оловли йиллар ёди” китоби тақдимоти;

Бахтиёр Тураевнинг “Синергетика моҳияти, қонуниятлари ва амалиётда намоён бўлиши” китоби тақдимоти;

Аркадий Калонтаровнинг “Подвиг и память” (Жасорат ва хотира) китоби тақдимоти;

“Пчелка Майя” (Асалари Майя) болалар китоби тақдимоти;

Рустамбек Шамсутдиновнинг “Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари” уч жилдлик китоблари тақдимоти;

И.Р.Мавлоновнинг “Внешняя политика стран СНГ” (МДҲ мамлакатлари ташқи сиёсати) китоби тақдимоти;

Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев хотирасига бағишланган “Буюкликка йўл” ва “Ҳабиб Муҳамедович Абдуллаев” китоблар тақдимоти;

Ашурали Жўраевнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов хотирасига бағишланган “Одил Ёқубов хазинасидан” китоби тақдимоти;

Барно Илҳомованинг “Тўнғичим” китоби тақдимоти;

Зебинисо Аҳмедованинг “Психолог маслаҳатлари” туркумидан жой олган китоблари тақдимоти;

Диана Леонованинг “Чёрно-белые стихи” (Оқ-қора шеърлар) китоби тақдимоти;

Абдулла Ориповнинг “Ишқ саҳроси” китоби тақдимоти;

Тожик ва ўзбек адабиётининг мумтоз адабиёти намуналарини акс эттирган китоблар тақдимоти;

Мастура Исхақованинг “Я открываю новую страницу” (Мен янги саҳифани очаман) китоби тақдимоти;

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан “Маънавият - одам ва олам халоскори” шиори остида чоп этилган туркум китоблар тақдимот.

Адабиётлар кўргазмаси

“Тадбиркорлик ва ишбилармонликка кенг йўл” мавзусида китоблар кўргазмаси;

Ўзбекистон ФА академиги, физик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор Толиб Мўминов таваллудининг 75 йиллиги муносабати билан “Инсон қиммати илму ҳунарда” китоб-расмли кўргазма;

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Миллий армиямиз – тинч ва тотув ҳаётимиз кафолати” китоб-расмли кўргазма;

Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, файласуф олим Жондор Туленов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан “Катта фалсафий мактабнинг асосчиси” деб номланган китоб-расмли кўргазма;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, кимёгар олим Малик Набиев таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан “Дунё таниган кимёгар” китоб-расмли кўргазма;

Француз ёзувчиси Стендал таваллудининг 235 йиллигига бағишланган “Стендаль романлари – келажакка мактублар” китоб-расмли кўргазма;

Ўзбекистон халқ ҳофизи, хонанда ва бастакор Жўрахон Султонов таваллудининг 115 йиллигига бағишланган “Унутилмас оҳанглар” китоб-расмли кўргазма;

Француз фантастик ёзувчиси Жюль Верн таваллудининг 190 йиллигига бағишланган "Вокруг света с Жюль Верном" китоб-расмли кўргазма;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод таваллудининг 70 йиллигига бағишланган “Юлдузлар мангу ёнади” китоб-расмли кўргазма;

Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган “Кеча келгумдир дебон...” китоб-расмли кўргазма;

“Умид ила очилиб, фойда ила ёпилган китоб – энг яхши китобдир” бадиий китоблар кўргазмаси;

Ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили, давлат арбоби, моҳир саркарда Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишланган “Кўзумнинг ёшини дарё қилибсен” китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Азим Суюн таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан “Уйғоқ юракли шоир” китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон халқ ҳофизи, хонанда ва бастакор Жўраҳон Султонов таваллудининг 115 йиллигига бағишланган “Барҳаёт оҳанглар ижодкори” китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислон Каримов таваллудининг 80 йиллигига “Менинг биринчи Президентим” китоб-расмли кўрғазма;

Халқаро гиёҳвандлик ва гиёҳванд моддалар билан савдо қилишга қарши кураш кунига бағишланган “Аср оғусидан сақланинг” китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбек шоираси, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия Исроилова таваллудига бағишланган “Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни” китоб кўрғазма;

Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан “Аёл гўзал, аёл муқаддас” номли китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон халқ артисти, раққоса Қундуз Миркаримова таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Баҳор тонги” китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон ФА академиги, филология фанлари доктори, профессор Жалолиддин Азимович Азимовнинг 80 йиллигига бағишланган “Илмга бахшида умр” китоб-расмли кўрғазма;

Халқимизнинг миллий байрами – Наврўз айёми муносабати билан “Улуғ халқимизнинг улуғ байрами” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

“Пазандалик – бу санъат” деб номланган китоблар кўрғазмаси;

Халқаро театр куни муносабати билан “Ҳаёт саҳнаси – театр” китоб-расмли кўрғазма;

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 682 йиллиги муносабати билан “Буюк кўрагон - Амир Темур” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Бутунжаҳон авиация ва космонавтика кунига бағишланган “Етти олам ҳайрати” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Халқаро ёдгорликларни ва тарихий жойларни асраш кунига бағишланган “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шуҳрат (Алимов Фулом Аминжонович) таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Озод қалб куйчиси” китоб-расмли кўрғазма;

Улуғ мутафаккир ва қомусий олим Абу Наср Форобий таваллудининг 1145 йиллигига “Қомусий илм соҳиби” деб номланган адабиётлар кўрғазмаси;

Матёкуб Қўшжонов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан “Жасур ва мард академик” деб номланган кўрғазма;

Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан “Инсон кадри улуғ, хотира муқаддас” деб номланган кўрғазма;

Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарихчи, археолог олим Яҳё Ғуломович Ғуломов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан “Академик Ғуломов илми” деб номланган кўрғазма;

Ўзбекистон халқ шоири, ёзувчи Ғафур Ғулом таваллудининг 115 йиллигига бағишланган китоб-расмли кўрғазма;

Тожиқ шоири, математик, астроном, файласуф Умар Ҳайём таваллудининг 970 йиллиги муносабати билан “Ул хусни фалак” деб номланган кўрғазма;

“Биз билан таътил” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон халқ артисти, раққоса, балетмейстер, ўзбек оммавий сахна рақсининг асосчиси Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 105 йиллиги муносабати билан “Рақс маликаси” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

“Кино! Кино! Кино!” деб номланган китоб кўрғазма;

“Ўзбекистон бўйлаб сەҳат қилинг” деб номланган китоб кўрғазма;

“Лето, книга, я – друзья” (Ёз, китоб, мен – дўстлар) деб номланган китоб кўрғазма;

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган “Болаликнинг мўъжизалари” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

“Ўзбекистон” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор Ҳамид Зиёев таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан “Тарих-ўтмиш ва келажак” деб номланган кўрғазма;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасдиқланган кунга бағишланган “Озодлик ва ғурур тимсоли” деб номланган китоб-расмли кўрғазма;

Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, математик олим, физика-математика фанлари доктори, профессор Жавват Ҳожиёв таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан “Ал-Хоразмий вориси” деб номланган кўрғазма;

Омон Мухтор таваллудининг 77 йиллиги муносабати билан “Бухоронинг улуғ фарзанди” номли китоб-расмли кўрғазма;

Халқаро шахмат кунига бағишланган “Донолар севган ўйин” мавзусида китоб-расмли кўрғазма;

Неъмат Аминов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Табассум заргари” деб номланган кўрғазма;

Владимир Короленко таваллудиниг 165 йиллигига бағишланган “Почётный академик императорской академии наук” китоб-расмни кўргазма;

Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, кимёгар олим, кимё фанлари доктори, профессор Рашидова Сайёра Шарофовна таваллудиниг 75 йиллиги муносабати билан “Кимё оламининг фидокори” деб номланган кўргазма;

“Ўзбекистон ва Тожикистон дўстлиги” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Фаттоҳхон Мамадалиев таваллудиниг 95 йиллиги муносабати билан «Кўнгил куйчиси» деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Абдулла Авлоний таваллудиниг 140 йиллигига бағишланган “Миллат муаллими” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Қатағон қурбонларини ёд этиш куни муносабати билан “Асл фарзандини халқ унутмайди” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган “Азиз ва яғонамсан жонажон Ўзбекистоним!” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний (973–1048) таваллудиниг 1045 йиллигига бағишланган “Ўрта асрнинг буюк қомусий олими” номли китоб-расмни кўргазма;

Иброҳим Мўминович Мўминов (1908-1974) таваллудиниг 110 йиллигига бағишланган “Янгиланаётган тафаккур меваси” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Раҳмат Файзий таваллудиниг 100 йиллиги муносабати билан “Санъатга пайванд кўнгил” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Шавкат Раҳмон таваллуд кунига бағишланган “Ҳар бир рангда ҳақиқат бор” деб номланган кўргазма;

Абдулла Қаҳҳор таваллуд кунига бағишланган “Адибга юксак эҳтиром” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Бутунжаҳон туризм кунига бағишланган “Туризм тараққиёт йўлида” деб номланган китоб-расмни кўргазма.

Фото-расмлар кўргазмаси, танловлар, фильмлар намоиши

“Лайнери мечты для Узбекистана” (Ўзбекистон орзусидаги қанотлар) деб номланган ҳужжатли фильм намоиши;

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти билан таништирувчи “Ҳамиша халқимиз юрагидасиз” мавзусида иншолар танлови;

“Менинг Биринчи Президентим” мавзусида расмлар танлови;

Мир Алишер Навоий таваллудиниг 577 йиллигига бағишланган “Алишер Навоий” бадиий фильм намоиши;

“Алишер Навоий. Сўз, оҳанг ва тасвир” деб номланган расмлар кўрғазмаси;

“Заҳириддин Муҳаммад Бобур” фильми намойиши;

Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан Ўзбекистон “Ветеран” жангчи-фахрий ва ногиронлари Бирлашмаси аъзоси бўлган 18 нафар афғон урушида иштирок этган ўзбекистонлик аёлларга бағишланган “Қалдирғоч” номли хужжатли фильм намойиши;

“Энг кўп ўқиладиган китоблар” рукни остида ахборот тенди;

Болалар китоби ҳафталиги доирасида туркум тадбирлар:

-“Севимли эртақ қаҳрамоним” номли расмлар танлови;

-“Ўз эртагингни ижод қил” мавзусида танлов;

-“Эртақтерапия” йўналиши бўйича болалар билан жамоавий эртақ ўқиш дарслари;

Иккинчи жаҳон уруши мавзусига оид плакатлар, жанг майдонлари акс этган хариталар кўрғазмаси;

“Сен етим эмассан” бадиий фильми намойиши;

Ғайбиддин Фазлиев фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи “Маърифат чинори” хужжатли фильм намойиши;

Борис Бабаев сценарийси асосида режиссёр Денис Кодзаевнинг “Путь к восхождению. Вестминстерский университет” (Юксакликка йўл. Вестминстер университети) деб номланган хужжатли фильм тақдимоти;

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган “Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!” шиори остида “Болалар китоби” республика фестивали доирасида буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишланган адабий викторина;

Фестиваль доирасида мактаб ўқувчилари орасида «Мовий жомадоннинг саёҳати» акцияси.

Маънавий-маърифий тадбирлар (илмий анжуман, хотира кечаси, ижодий учрашув, адабий-муסיқий кеча)

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан “Мусаффо осмонимиз қалқонлари” деб адабий-муסיқий кеча;

Баҳодир Абдураззоқовнинг 90 йиллиги муносабати билан хотира кечаси;

Ўзбекистон халқ артисти Неъматжон Қулабдуллаев хотирасига бағишланган “Оҳанглар оғушидаги умр” адабий-муסיқий кеча;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Алишер Икрамов билан “Созлар тилга кирганда” ижодий учрашув;

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан ҳамкорликда “Ёшлар билан мулоқот: муаммо ва ечимлар” мавзусида халқаро илмий–амалий конференция;

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти, давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан “Менинг Биринчи Президентим” мавзусида хотира кечаси;

Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева таваллудининг 105 йиллигига “Саҳна суҳандони” деб номланган хотира кечаси;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод таваллудининг 70 йиллигига бағишланган “Юлдузлар мангу ёнади” деб номланган хотира кечаси;

Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллигига бағишланган “Беш қитъа оралаб кезар Навоий...” мавзусида адабий-муסיқий кеча;

Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан “Келди ул вақт-ки...” деб номланган адабий-муסיқий кеча;

Ўзбекистон халқ артисти Абдулаҳад Абдурашидов ижодига бағишланган “Муסיқага ошуфта қалб” муסיқий кеча;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Азим Суюн таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан “Уйғоқ юракли шоир” деб номланган ижодий учрашув;

“YS – your school” инглиз тили сўзлашув клуби аъзолари иштирокида “Бугунги кунда жамиятда замонавий ахборот технологияларининг ижобий ва салбий оқибатлари” мавзусида мулоқот;

“Алишер Навоий. Сўз, оҳанг ва тасвир” деб номланган ижодий муסיқий кеча;

Шоира Зулфия Мўминова билан ижодий учрашув;

Фольклоршунос олим, академик Тўра Мирзаев билан “Биз Наврўзни ўрганамиз” деб номланган ижодий учрашув;

“Хуш келдинг, Наврўз” деб номланган маданий-маърифий тадбир;

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов таваллудига бағишланган “Мен нечун севаман Ўзбекистонни” мавзусида шеърхонлик кечаси;

“Ёш оналар клуби” билан ҳамкорликда “Фарзандингиз билан китоб ўқинг” номли учрашув кечаси;

Халқаро болалар куни муносабати билан давра суҳбати;

“Trening Studiya DAR” ОАЖ билан ҳамкорликда “Олам имкониятлари сен учун” деб номланган шеърхонлик ва рақс кечаси;

“Шавкат Раҳмон ва ёшлар” деб номланган адабий-маърифий давра суҳбати;

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шухрат (Алимов Ғулом Аминжонович) таваллудининг 100 йиллигига бағишланган “Олтин зангламас” деб номланган библиографик шарх;

“Данко” адабий-ижодий уюшмасининг 20 йиллиги ва Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан ҳамкорлигининг 5 йиллиги муносабати билан “Как прекрасен этот мир” (Қандай гўзал бу олам) шеърят ва муסיқа кеча;

Садриддин Айний таваллудининг 140 йиллигига бағишланган “Садриддин Айний мероси” деб номланган библиографик шарх;

Филология фанлари доктори, туркийшунос олим Хусайн Байдемир билан “Туркияда ўзбек адабиёти тарғиботи” мавзусида ижодий учрашув;

Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан спорт шарҳловчиси С.Даниловни хотирлаб “ Он покорял стадионы игрой и пером” (У ўз ўйини ва қалами билан спорт майдонларини забт этган) деб номланган хотира кечаси;

“Рахманинов мусиқасини қандай тушуниш керак?” мавзусида ижодий суҳбат;

Ўзбекистон ФА академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарихчи, археолог олим Яҳё Ғуломов таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан “Академик Ғуломов илми” деб номланган хотира кечаси;

“Ёшлик” журнали жамоаси билан ижодий учрашув;

Аъзам Ўктам хотирасига бағишланган “Аъзам Ўктам ва ёшлар” мавзусида ижодий кеча;

Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати;

Миразиз Аъзам билан “Туйғуларни тарбиялаган шоир” деб номланган ижодий учрашув;

Озарбайжон адабиётининг машҳур шоирлари Салим Бобулло ўғли ва Аждар Ўл билан «Ижодкор ёшлар клуби» доирасида ижодий учрашув;

“Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасини амалга ошириш ва республикамизда электрон ахборот-кутубхона тизимини ривожлантириш истиқболлари” мавзусида давра суҳбати;

Тожикистон жамоат ва адабиёт вакиллари, Ўзбекистондаги Тожикистон элчихонаси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, ўзбек ва тожик ёзувчи, шоирлари, адабиётшунослар ва таржимонлар иштирокида тадбир;

Шоир ва ёзувчи Ғайбиддин Фазлиев ижодига бағишланган тадбир;

Ҳабиба Охунова ижодига бағишланган “Кўшиқлари юрак нидоси” деб номланган хотира кечаси;

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, раққоса Света Худойбергеновнинг 50 йиллиги муносабати билан “Рақсларида миллий ифтихор” номли ижодий кеча.

Тренинг, семинар ва маҳорат дарслари

“YS – your school” инглиз тили сўзлашув клуби аъзолари иштирокида “Бугунги кунда жамиятда замонавий ахборот технологияларининг ижобий ва салбий оқибатлари” мавзусида мулоқот;

Жанубий Кореянинг LG CNS компанияси мутахассислари томонидан «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси доирасида ўқув-семинар;

Европа тиллари куни доирасида франциялик тарихчи ва таржимон профессор Стефан Дюдуаньон жадидчилик ҳаракати тарихи ва Абдулҳамид Чўлпоннинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган ўқув-семинар.

Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган тадбирлар

Рус ёзувчиси, шоир ва жамоат арбоби Алексей Николаевич Толстой таваллудининг 135 йиллигига бағишланган “Фавқулодда серқирра ёзувчи ва серунум адиб” китоб-расмни кўргазма;

Рус актёри ва режиссёри Константин Станиславский таваллудининг 155 йиллигига бағишланган “Саҳна санъати назарийотчиси” китоб-расмни кўргазма;

Шоир, бастакор, хонанда ва актёр Владимир Висоцкий таваллудининг 80 йиллигига бағишланган “Я, конечно спою” китоб-расмни кўргазма;

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 25 йиллигига бағишланган “Икки халқ манфаатлари йўлида” китоб-расмни кўргазма;

Халқаро она тили куни (ЮНЕСКО) муносабати билан ЮНЕСКОнинг 7 жилдлик “История человечества” (Инсоният тарихи) энциклопедияси тақдимоти ва китоб-расмни кўргазма;

Халқаро болалар китоби куни муносабати билан давра суҳбати;

Туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули таваллудининг 280 йиллиги муносабати билан “Туркман шоири ва мутафаккири” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Халқаро оила кунига бағишланган “Энг буюк саодат - оила бахти” мавзусида маънавий-маърифий тадбир;

Халқаро музейлар куни муносабати билан “Тарих кўзгуси” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан “Умрбоқий асарлар муаллифи” деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Грузин ёзувчиси Нодар Думбадзе таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Инсонпарварлик тимсоли” деб номланган кўргазма;

Расул Ҳамзатов таваллудининг 95 йиллиги муносабати билан “В горах мое сердце” (Қалбим тоғларда) деб номланган китоб-расмни кўргазма;

Лев Николаевич Толстой таваллудининг 190 йиллиги муносабати билан “Толстой – это целый мир» (Толстой – бу бутун дунё) деб номланган китоб-расмни кўргазма.

Китобхонликни тарғиб қилиш бўйича ўтказилган тадбирлар

7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун “Адабий устахона” деб номланган болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги;

Болалар китоби ҳафталиги доирасида туркум тадбирлар:

-“Севимли эртак қаҳрамоним” номли расмлар танлови;

-“Ўз эртагингни ижод қил” мавзусида танлов;

-“Эртактерапия” йўналиши бўйича болалар билан жамоавий эртак ўқиш дарслари;

“Китобхонлик маданиятини юксалтириш буюк мақсадларимизга эришишнинг муҳим кафолатидир” шиори остида “Китоб байрами” номли тадбирлар туркуми;

Янги ўқув йили бошланиш муносабати билан “Очиқ эшиклар” ҳафталиги доирасида:

- «Мовий жомадоннинг саёҳати» акцияси;
- “Адабий устахона” туркум тадбирлар доирасида мактабларга ташриф;
- кутубхона фойесида фойдаланувчилар ўртасида “Севимли китобингни тавсия эт” номли акция.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган “Соғлом ва маънавий етук авлод – юрт келажаги!” шиори остида “Болалар китоби” республика фестивали.

Шунингдек, кутубхона фаолияти билан таништирувчи экскурсиялар ташкил қилиниб, ўтган давр мобайнида **172** ташкилотдан **5 556** киши қатнашди.

Маънавий-маърифий тадбирларнинг барчаси Миллий кутубхонанинг расмий веб-сайти www.natlib.uz ҳамда электрон оммавий ахборот воситаларида ёритилиб борилди.

3. Миллий кутубхонада ихтисослашган илмий ва оммавий анжуманларнинг ўтказилиши

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш раиси А.Арипов томонидан 2018 йил 9 апрелда тасдиқланган Идоралараро кенгаш мажлисининг 1-сон Баёни (1-илова, 4-банд)га мувофиқ, жорий йилнинг 30 май куни “Илмий маълумотлардан фойдаланиш ва нашр эттириш фаоллиги” III Миллий илмий-таълимий форуми ташкил қилинди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг раҳбарлари;

олий таълим муассасалари, Фанлар академияси илмий институтлари, республиканинг етакчи илмий нашриётлари ва ахборот-кутубхона муассасалари вакиллари, ўқитувчилар, илмий ходимлар, докторантлар;

Clarivate Analytics (АҚШ), EBSCO information services (АҚШ), Springer Nature, Wiley (Германия), Антиплагиат (Россия Федерацияси) каби етакчи илмий-таълимий маълумотлар базалари ва нашриётлар вакилларида иборат жами 375 нафар иштирокчи қатнашди.

Форумнинг мақсади – жаҳон илмий-таълимий маълумотлар базаларидан фойдаланган ҳолда илмий ишлар салоҳиятини янада ошириш, хорижий амалиётни ўрганиш, ёш олимларга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикасида илмий ишлар ва илмий-тадқиқотлар самарадорлигига эришиш ва юқори рейтингли журналларда

нашр этириш фаоллигини ошириш. Форум тўғрисида маълумот ва якуний ҳужжат Миллий кутубхона сайти (natlib.uz)га жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш раиси А.Арипов томонидан 2018 йил 9 апрелда тасдиқланган Идоралараро кенгаш мажлисининг 1-сон Баёни (1-илова, 4-банд)га мувофиқ, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфида ахборот-кутубхона муассасалари мавжуд вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 2018 йилнинг 18-20 апрелида “Central Asia – 2018: Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот кутубхона ресурслари” XII Халқаро конференциясини Термиз шаҳри (Сурхондарё вилояти)да ўтказилади.

Конференциянинг мақсади – фан, таълим, маданият ва бизнес соҳаларида электрон ахборот ресурсларни ривожлантириш ва қўллашда ахборот-кутубхона муассасалари, ўқув юртлири, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг ҳамжихатликда кўп йиллар самарали ҳамкорликда фаолиятларини кенгайтиришдан иборат.

Конференцияда Покистон, Эрон, Корея, Исроил, Қозоғистон, Тожикистон, Россия Федерациясидан 13 нафар хорижлик мутахассислар, 320 нафар республика ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари, жами 333 нафар иштирокчи қатнашди.

Қатнашувчилар контингенти ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона муассасалари, кутубхоналар, архивларнинг раҳбар ва мутахассислари, олимлар, таълим муассасаларининг ўқитувчилари, АКТ мутахассислари, жамоат арбоблари, вазирлик ва идоралари вакиллари билан иборат бўлди.

Конференциянинг тадбирлари қуйидагиларни ташкил этди:

- конференциянинг ялпи ва секция йиғилишларида тингланган 64 та маъруза;
- “Жаҳон ахборот ресурслари: инновацион фаолиятда янгича ёндашув” маҳорат дарслари;
- “Аналитик тизимлар ва маълумотлар базалари билан ишлаш асослари” – тренинг;
- “EBSCO электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш асослари” – тренинг.

“Central Asia – 2018” XII Халқаро конференциясининг асосий йўналишлари “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги Ф-4789-сонли фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрда ПҚ-3271-сон қарори “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб

мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши билан боғлиқ бўлди.

Барча маърузалардан иборат конференция тўплами чоп этилди ва электрон шакли Миллий кутубхона сайти (www.natlib.uz)га жойлаштирилди.

Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш раиси А.Арипов томонидан 2018 йил 9 апрелда тасдиқланган Идоралараро кенгаш мажлисининг 1-сон Баёни (1-илова, 4-банд)га мувофиқ, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси – 2018” касбий танловининг биринчи (туман) босқичи Қорақалпоғистон Республикаси, 12 та вилоят ва Тошкент шаҳрида жорий йилнинг июнь ойида ўтказилди ва Миллий кутубхонага барча ҳудудлардан танлов баённомалари қабул қилинди.

“Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” кўрик-танловининг Низомига мувофиқ Танловнинг вилоят босқичини холисона ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси вакиллари 27 июлдан 20 августга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ахборот-кутубхона муассасалари орасида ўтказилган танловда ҳакамлар ҳайъати раислари бўлиб қатнашдилар.

Шунингдек, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаши мажлисининг 1-сон баёни 10-бандига мувофиқ “INFOLIB-2018 Миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги”нинг дастур лойиҳаси ишлаб чиқилди, ташкилий қўмита томонидан муҳокама қилинди.

4. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарори илова

Комплекс чора-тадбирлар дастурининг ижросини таъминлаш бўйича:

16-банд (Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлаш) ва 20-банд (Электрон турдаги ахборот-кутубхона ресурсларини кўпайтириш ва улардан Интернет тармоғи орқали фойдаланиш дастурини ишлаб чиқиш) бўйича Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги,

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Қўшма қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда вазирлик ва идораларга имзо ва муҳр қўйилиши учун тақдим қилинган.

19-банд (Жамоат жойларида QR-кодлар ёрдамида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон китоблари тўғрисидаги маълумотларни махсус таблоларда жойлаштириш ва уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш ва ўқиш имкониятини яратиш) бўйича Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” акциядорлик компанияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Қўшма қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳозирда идораларга имзо ва муҳр қўйилиши учун тақдим қилинган.

2018 йил 26 январда ўтказилган Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳузуридаги Республика методик кенгаши йиғилишининг 34-сон баёни 5-бандига мувофиқ республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ўзбекистон кутубхоналари Ассоциациясини ташкил этиш бўйича Устав лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Устав лойиҳаси ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ахборот-кутубхона марказлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси, Давлат илмий тиббиёт кутубхонаси, Республика болалар кутубхонасига илова хати билан (2018 йил 8 февралдаги 01-10/716-сон) юборилди. Устав лойиҳаси ўзгартиришлар ва қўшимчалар асосида қайта ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига кўриб чиқиш учун киритилди (2018 йил 27 мартдаги 01-10/401-сон хат).

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5349-сон фармонида мувофиқ Республика ахборот-кутубхона маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфига ўтказилиши муносабати билан ахборот-кутубхона марказлари ва Миллий кутубхонанинг норматив ҳужжатлари (низомлар, лавозимлик йўриқномалари)га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

“Ахборот-кутубхона муассасалари ахборот-кутубхона фондларининг сақланиши тўғрисида” ва “Ахборот-кутубхона ресурсларини ахборот-кутубхона муассасаларининг фондларидан чиқариш тартиби тўғрисида” Йўриқномалари 9 та

вазирликка таклифлар киритиш учун юборилди. 8 та вазирликдан таклиф ва эътирозлар йўқлиги тўғрисида хатлар олинди. Молия вазирлиги билан келишув ишлари олиб борилмоқда.

“Ахборот-кутубхона муассасалари ходимлари учун меҳнатни муҳофаза қилиш Қоидалари” 8 та вазирлик ва идораларга таклифлар киритиш учун юборилди. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси, “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат давлат қўмитасининг таклиф ва тавсиялари олинди ҳамда келишув ишлари олиб борилмоқда.

5. Ахборот-коммуникация технологияларини Ўзбекистон Миллий кутубхонаси фаолиятига жорий этилиши

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан кутубхонанинг ахборот-кутубхона фондларига ва лицензияга эга етакчи хорижий илмий-таълимий маълумотлар-базаларига доимий равишда электрон уланиш бўйича ёрдам кўрсатиб борилмоқда. Ҳисобот даврида қуйидаги вазирлик ва идораларда ишлар ташкил қилинди:

- Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги;
- Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар вазирлиги Академияси;
- Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри “Янгиобод” МФЙ;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;
- Тараққиёт стратегияси маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси;
- Қуролли кучлар академияси;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси;
- Юнусоюод тумани, “Увайси” маҳалла кутубхонаси;
- Яшнобод тумани, “Ватандош” маҳалла кутубхонаси;
- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси;
- Корпоратив таълим маркази;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Олий ҳарбий божхона институти;
- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти девони;
- Яшнобод тумани “Маърифат” МФЙ ва бошқалар.
-

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 6 январдаги Таълим ва илм-фан, ёшлар сиёсати, маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари Комплекси мажлисининг баёни асосида Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимидаги “Илмий ишлар базаси” дастурлари базаси функциясини кенгайтириш ишлари олиб борилмоқда (2017 йил 20 февраль 4-сонли шартнома имзоланди).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 728-сон қарор ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Ягона портал (official2.gov.uz) хизматлар реестрига 12 та хизмат рўйхатдан ўтказилган бўлиб, давлат хизмати рўйхати шакллантирилди ва Ягона реестрга киритилган. Булар:

- бадиий адабиётларни чоп этишга тайёрлаш;
- бадиий адабиётларни ва матбаа маҳсулотларини чоп этишга тайёрлаш;
- ўзбек, рус, хорижий тилларда маҳаллий ноширлик маҳсулотларини марказлаштирилган каталоглаштириш бўйича хизматлар (УЎК ва КБК рақамларини бериш хизмати) ;
- ахборот-кутубхона фондларидаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ортиқча, китобхонлар томонидан кам сўралаётган (дублет) нусхаларини талаб асосида ахборот-кутубхона муассасаларига шартномалар асосида бериш;
- қўлёзмаларни, нодир ва ўта ноёб матбуот асарларини, илмий ва маданий аҳамиятга эга Ўзбекистоннинг миллий матбуот нашрларини реставрация ва консервация қилиш;
- ўлкашунослик мавзусидаги библиографик маълумотнома тақдим этиш;
- юридик шахсларга шартнома асосида кутубхонанинг ахборот-кутубхона ресурсларидан вақтинчалик фойдаланиш хизмати;
- бошқа кутубхоналар билан халқаро китоб айирбошлаш;
- сканерлаш ва рақамлаштириш хизмати (А0-А5 форматлар оралиғида рақамлаштирилади) ;
- илм-фан, таълим, ахборот ва маданият бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот ресурслари ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек ихтисослаштирилган кутубхоналари рўйхатини тақдим этиш;
- ISBN (International Standard Book number) китобнинг халқаро стандарт тартиб рақами;
- электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат олиш, адабиётларга буюртма бериш (Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими (web-ААКТ)).

ICT.NIS.UZ – идоралараро ахборот тизимида жойлашган саволноманинг кутубхонага тегишли қисмини мунтазам, ҳаққоний маълумотлар билан тўғри тўлдирилди (кўрсаткич 77.91).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарори билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг 19-банди (Жамоат жойларида QR-кодлар ёрдамида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси электрон китоблари тўғрисидаги маълумотларни махсус таблоларда

жойлаштириш ва уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш ва ўқиш имкониятини яратиш) бўйича вазифалар берилган.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан жамоат жойларида, вокзаллар ва аэропортларнинг кутиш залларида, автобус бекатларида QR-кодлар (штрих кодлар) ёпиштирилган таблоларини жойлаштириш орқали ёшларнинг китобларни замонавий мобил қурилмаларидан ўқиши ва электрон нусхаларини юклаб олиш учун имконини яратиш бўйича қўшма қарор лойиҳаси (Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” акциядорлик компанияси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Тошкент шаҳри ҳокимлиги) вазирлик ва идоралар билан келишилди.

Хозирги кунга келиб электрон китобларни мобил қурилмаларда қулай ўқишни ва юклаб олишни таъминловчи мобил қурилмаларга мўлжалланган **qr.natlib.uz** тизими яратилмоқда.

2016 йил 21 мартдан бошлаб Миллий кутубхонанинг расмий портали ишга туширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чоратadbирлари тўғрисида” 355-сон қарор талаблари асосида интерактив давлат хизматлари орқали фойдаланувчиларга сифатли ва кенг миқёсда хизмат кўрсатиш ишлари олиб борилмоқда.

Унда: давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тузилмаси, таркиби, функциялари ва асосий фаолияти, уларда фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги ахборотларни тақдим этиш (<http://natlib.uz/uzb/InfoPage/ReadMoreById?id=83>); фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш (<http://natlib.uz/uzb/Home/Feedback>);

илм-фан, таълим, ахборот ва маданият соҳаси бўйича қизиқишларни тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган замонавий ахборот технологиялари асосида аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишга доир ахборотларни, Ўзбекистон Республикасининг ахборот-ресурс ва ахборот-кутубхона марказлари, шунингдек, ихтисослаштирилган кутубхоналар рўйхатини тақдим этиш (<http://www.natlib.uz/>);

электрон каталогдан, миллий ва хорижий электрон ресурслардан фойдаланишга рухсат бериш, адабиётларга буюртма бериш (<http://ibs.natlib.uz>) каби хизматлар тақдим этилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 августдаги “Очиқ маълумотлар тақдим этилиши ҳисобга олинган ҳолда интернет тармоғида Ўзбекистон Республикасининг ҳукумат порталини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 232-сон Қарори асосида Миллий кутубхона портали орқали “Очиқ маълумотлар” бўлими ташкил этилди (<http://natlib.uz/uzb/InfoPage/ReadMoreById?id=92>).

- Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси раҳбарияти билан боғланиш маълумотлари ва уларнинг қабул қилиш вақти;

- Ўзбекистон Миллий кутубхонаси манзили ва геологик ҳудуди тўғрисида маълумот;
- Кутубхонанинг асосий кўрсаткичлари ва статистик маълумот;
- Кутубхона таркибий тузилмаси, манзили ва боғланиш учун маълумот;
- Республикадаги йирик ахборот-кутубхона муассасалари ҳақида маълумот;
- Кутубхонанинг бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлиги;
- Кутубхонанинг халқаро ҳамкорлик тўғрисида маълумотлар эълон қилиб борилмоқда. (<https://data.gov.uz/uz/search/view?q=&sphere=&authoritie=44>).

Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Wi-Fi зоналари мавжуд бўлиб, фойдаланувчилар замонавий компьютерлардан эркин фойдаланиб келиш билан бирга, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларидан фойдаланишга катта имконият яратилган. Ўзбекистон Миллий кутубхона фойдаланувчилари учун 220 та терминал компьютерлар ҳамда 9 та инфокиосклар ўз ичига Ўзбекистон Миллий кутубхона ҳақидаги маълумотлар (4 дона), Librarypressdisplay.com сайтидаги 97 та мамлакатнинг 54 хил тилдаги 2200 та газеталарини онлайн ўқиш имконияти (2 дона), аудио китоблар (1 дона), кутубхона бўйлаб 3D саёҳат (1 дона), Web-автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими (1 дона) маълумотлар жойлаштирилиб, фойдаланувчилар учун тақдим этилган.

6. Миллий кутубхонада техник лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳолати тўғрисида (“Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси)

Лойиҳа шартномасига Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан қўйилган талаб ва тақлифлар инобатга олиниб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 2016 йил декабрь ойида лойиҳа бўйича тузилган шартноманинг талабига кўра “Узимпексалоқа” масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳар бир маҳсулот ТИФТН (Ташқи иқтисодий фаолият товарлар номенклатураси) коди аниқлаб берилди ва бу кодлар шартномага киритилди.

2017 йил 14 февралда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва LG CNS компанияси ўртасида қайта тузилган шартноманинг рус ва инглиз тилидаги нусхалари Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан ҳам кўриб чиқилди ҳамда қайта имзоланган шартнома Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2017 йил 17 апрелдаги 17-8/2364-сон хатида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси тўхтатилганлиги маълум қилинди.

2017 йилнинг октябрь ойида “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигидан қайта рўйхатдан ўтди (30.09.2017 йил, 12310588-сон) ва лойиҳа Кореянинг Эксимбанки томонидан тасдиқланди (15.11.2017 йил, UZB-8/17-138) ҳамда лойиҳани амалга ошириш ишлари бошланди.

2017 йил декабрь ойида корейлик мутахассислар, LG CNS компаниясининг Ўзбекистондаги вакиллари Миллий кутубхонага ташриф буюришди ва лойиҳани амалга ошириш бўйича музокаралар олиб борилди.

2018 йил 29 январда “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг расман очилиш маросими бўлиб ўтди.

LG CNS компанияси ишчи гуруҳи томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда ҳозирги вақтда унга қарашли бўлган 14 та вилоят ахборот-кутубхона марказларининг иш фаолияти ўрганилди.

“Тошгипрогор” ташкилотидан Миллий кутубхона биноси реконструкциясини амалга ошириш бўйича рухсат олинди ва бино тузилиши, схемаси ҳамда чизмалари қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Миллий кутубхона биносининг ўнг қисми 1 ва 2 қаватларида реконструкция ишлари олиб борилди.

2018 йил 9 апрель куни Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Жанубий Кореянинг LG CNS компанияси мутахассислари томонидан «Миллий умумтаълим электрон кутубхона» лойиҳаси бўйича 14 та ахборот-кутубхона марказлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонаси, Республика илмий-педагогика кутубхонаси, Тошкент давлат техника университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ахборот-ресурс марказлари мутахассисларига семинар ўтказилди. Семинарда лойиҳа тизимининг яратилиш стратегияси, маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятлари, лойиҳа дизайни ва келажакдаги фаолияти шунингдек PSS (TULIP Web) ҳамда IELTS(TULIP) лойиҳалари, веб-сайт тақдироти ва унинг ишлаш тизими ҳақида маълумот берилди.

Миллий кутубхона веб-портали орқали ташрифларни рейтинг баҳоловчи WWW.UZ сайтига уланиш ҳамда TULIP (Triple U Library Information Portal) тизимига ID.GOV.UZ орқали кириш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

АК “Ўзбектелеком” “ТШТТ” филиали томонидан “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” инвестицион лойиҳаси учун /29 диапазонли статик ташқи IP адреслар ажратилди.

Лойиҳа доирасида Корея Республикаси электрон кутубхонаси тизимини ва унинг фаолиятини юритиш мақсадида Жанубий Корея Республикаси Сеул шаҳрида “Бошқарув” гуруҳи жорий йилнинг 8-12 июль кунлари, “Кутубхоначилар”, “Операторлар” гуруҳлари 8-22 июль кунларида жами 17 нафар раҳбар ва мутахассис ходимлар ўқув тренинг машғулотларида иштирок этишди.

27-28 август кунлари Ўзбекистон Миллий кутубхонасида LG CNS компанияси мутахассислари томонидан лойиҳада иштирок этаётган 20 та ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун семинар ташкил қилди. Семинарда UZNEL тизими комплектования (монография ва даврий нашрлар), китоб бериш (фойдаланувчиларни бошқариш ва китобларни бериш ва қайтариш) ва UZNEL веб тизими бўйича тренинг ва амалиёти ташкил этилди.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида вазирликлар ва идоралар билан келишувнинг айрим босқичлари кечиктирилганлиги сабабли, 2015 йил 24 март

кунида Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва КСС консалтинг компанияси ўртасида имзоланган шартноманинг муддати тугаганлиги ҳамда КСС консалтинг компания банк ҳисоб рақами алмашгани сабабли 2018 йил 8 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси инвестициялар бўйича давлат қўмитаси томонидан қўшимча шартнома Д031800079 сонли рўйхатдан ўтди.

“Миллий умумтаълим электрон кутубхона”си лойиҳаси доирасида бугунги кунда LG CNS компанияси вакиллари томонидан бинони қайта таъмирлаш ишлари тугатилиб, зарурий техник жиҳозларни жойлаштириш, ускуналарни ўрнатиш ва монтаж қилиш ишлари олиб борилмоқда.

7. Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг фаолияти

2018 йилнинг 9 ойи мобайнида Миллий кутубхона ҳузуридаги Республика методик кенгашининг 2 мартаба йиғилиш ўтказилиб, унда Республика методик кенгашининг 2018 йил Иш режаси тасдиқланиб, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисидаги” Қонуни, Республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгаш баёни топшириқларини бажарилиши ҳолати, “Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси” касбий танловини вилоят босқичларини ўтказиш, “Central Asia 2018. Фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва кутубхона-ахборот ресурслари ўрни” мавзусидаги XII Халқаро конференциясини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва Таълимий, илмий ва ахборот-кутубхона муассасалари учун EBSCO илмий-таълимий маълумотлар базаларидан жамоавий фойдаланишни ташкил этиш, «Илмий маълумотлардан фойдаланиш ва нашр эттириш фаоллиги» III Миллий илмий-таълимий форум якунлари тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Кенгаш томонидан кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, ижроси бўйича назорат таъминланди.

8. Халқаро алоқаларни ривожланиши ва ҳолати

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан Россия Миллий кутубхонаси (Москва) ҳамда Тошкентдаги Гёте институти билан ҳамкорлик тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Миллий кутубхона томонидан Қозоғистон Миллий кутубхонаси, Эрон Ислом Республикаси Миллий кутубхона ва архиви ҳамда Корея Осиё маданияти марказлари билан ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумни ўрнатилган тартибда имзолаш тўғрисида Ўзбекистон ахборот ва матбуот агентлигидан жавоб хатлари қабул қилинди.

Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Туркия Республикасига давлат ташрифи давомида 2017 йилнинг 25 октябрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Туркия Миллий кутубхонаси ўртасидаги имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандум доирасида, Туркия Ҳамкорлик ва Мувофиқлаштириш Агентлиги билан ҳамкорлигидада жорий йилнинг 7–12 май кунлари Ўзбекистон ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларидан 10 киши

Анқарада Туркия Миллий кутубхонасида ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, малака ошириш стажировкасида иштирок этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама стратегик ҳамкорликни ва иттифоқчилик муносабатларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари» 2017 йил 12 апрелдаги ПҚ-2885 сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Россия Давлат кутубхонаси (Москва) ўртасида имзоланган Меморандум доирасида 2018 йилнинг 20-28 май кунлари 8 нафар турли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари учун Россия Давлат кутубхонасида малака ошириш стажировкаси ташкил қилинди.

Миллий кутубхона ва Тошкентдаги АҚШ элчихонаси ўртасида имзоланган Меморандум доирасида “Америкага нигоҳ” лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳа дастурига кўра Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳамда Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси билан биргаликда ҳисобот даврида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

12 январь “Америкада таълим” мавзусида инглиз тилида тақдимот ташкил қилинди;

25 январь Миллий кутубхонада “Америкага нигоҳ” ўқув залининг тантанали очилиш маросими бўлди;

7 февраль куни Миллий кутубхонада АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган «Spelling bee» танловининг Республика босқичи бўлиб ўтди;

15 февраль куни “Дўстлик ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни” мавзусида инглиз тилида сўзлашув клуби тадбири;

23 февраль куни “Америкада таълим” мавзусида инглиз тилида тақдимоти;

28 март куни “Америка университетлари” мавзусида инглиз тилида тақдимоти;

24 апрель куни “Экология ва Атроф муҳитни сақлаш” мавзусида инглиз тилида тақдимоти;

23 май куни “Жамоат коллежларида Америка тизими ва тўрт йиллик ўқишларга нисбатан уларнинг ўқитиш услуби” мавзусида инглиз тилида тақдимоти;

14 июни куни “Янги тажриба, қизиқишлар ва сеvimли машғулотлар” мавзусида инглиз тилида сўзлашув клуби;

19 июнь куни “Америкага оид” инглиз тилида тақдимот;

5 июль куни “Ҳаётимизни яхшилаш учун ҳазилдан фойдаланиш” мавзусида сўзлашув клуби;

19 июль куни “Характер ва шахс” мавзусида инглиз тили сўзлашув клуби ташкил қилинди.

2018 йил 14 апрелда Тожикистон Республикаси Фанлар академияси Рудакий номидаги Тил ва адабиёт институти томонидан замонавий тожик адабиётининг асосчиси Садриддин Айний таваллудининг 140 йиллигига бағишланган илмий-назарий анжуманда Миллий кутубхонанинг 1 нафар мутахассиси ўз маърузаси билан иштирок этди.

24-30 апрель кунлари Франциянинг Париж шаҳрида ISSN Халқаро маркази томонидан ташкил этилган “ISSN тармоғининг XXII Бош Ассамблеяси”да 1 нафар мутахассиси иштирок этди.

25-28 апрель кунлари Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида III Евросиё халқаро китоб ярмаркасида 2 нафар мутахассиси иштирок этди.

21-22 май кунлари Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида Қозоғистон Республикаси Миллий Академия кутубхонаси томонидан ташкиллаштирилган Қозоғистон Республикаси пойтахти Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган халқаро китоб кўргазмасида 1 нафар мутахассис иштирок этди.

23-24 май кунлари Қозоғистон Республикаси Остона шаҳрида Қозоғистон Республикаси Миллий Академия кутубхонаси томонидан ташкил этилган “Университет кутубхонасини ривожлантиришда замонавий жаҳон тенденциялари” VII Халқаро конференциясида 1 нафар мутахассиси иштирок этди.

27-30 май кунлари Чэнду (Хитой) шаҳрида Хитой Миллий кутубхонаси томонидан ташкиллаштирилган “Ўқиш, шаҳар ва маданият: Кутубхона ва китоб магазинлари ўртасида ҳамкорлик учун йўл” халқаро кутубхона форумида 1 нафар мутахассиси иштирок этди.

29-1 июнь кунлари Жанубий Корея Республикасининг Гванжу шаҳрида ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури бўйича VIII минтақавий учрашувида 1 нафар мутахассис иштирок этди.

11-12 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Астана шаҳрида Қозоғистон Республикаси Миллий Академик кутубхонаси томонидан ташкил этилган “Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган Халқаро ўқиш Конгресси” ишида Миллий кутубхонанинг 1 нафар мутахассис ўз маърузаси билан иштирок этди.

11-16 сентябрь кунлари Ереван шаҳрида (Арманистон) ташкил этилган «Қўлёзма ва босма меросни сақлаш ва тиклашнинг янги технологиялари» VIII Халқаро илмий-амалий семинарда Миллий кутубхонанинг 1 нафар мутахассиси ўз маърузаси билан иштирок этди.

13-14 сентябрь кунлари Қозоғистон Республикаси Алмата шаҳрида “Кутубхона – жамиятнинг кўп функцияли, кўп босқичли ижтимоий-маданий институти сифатида” мавзусида Қозоғистон кутубхоналар конгрессида Миллий кутубхонанинг 1 нафар мутахассиси ўз маърузаси билан иштирок этди.

12-15 сентябрь кунлари Новосибирск (Россия) шаҳрида “Кутубхоналарда фан, технология ва ахборот” халқаро илмий-амалий анжуманида Миллий кутубхонанинг 1 нафар мутахассиси ўз маърузаси билан иштирок этди.

27-28 сентябрь кунлари Баку (Азарбайжон) шаҳрида Азарбайжон Миллий кутубхонаси томонидан ташкил қилинган “Миллий кутубхоналарда инновациялар” халқаро илмий-амалий конференциясида Хоразм вилояти ахборот-кутубхона маркази директори ўз маърузаси билан иштирок этди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистондаги АҚШ элчихонаси, Ўзбекистондаги Гёти институти ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда 32 та тадбир ўтказилди. Шунингдек, Миллий кутубхона томонидан Белоруссия, Қозоғистон,

Корея, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Монголия, Саудия Арабистон, Россия, Тожикистон давлатларидан 17 та хорижий делегациялар қабул қилинди.

Халқаро китоб айирбошлаш йўли орқали жами **680** та, шундан - **120** та журнал, **510** та китоб, 50 аудио китоб Миллий кутубхонанинг ахборот-кутубхона фондига қабул қилинди.

9. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари фаолияти

2018 йилнинг 9 ой якунларига кўра АКМларнинг асосий кўрсаткичлари:

Умумий фонд – **4 771 366**

Янги адабиётлар тушуми – **42 402**

Китобхонлар сони – **221 296** минг киши;

Қатнов – **1 269 639** мартаба;

Китоб берилиши – **3 582 131** нусха;

Янги аъзо бўлган фойдаланувчилар сони – **61 036** минг киши.

2018 йил 9 ой давомида АКМларда ўтказилган тадбирлар ва қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотлар **оммавий ахборот воситаларида** (телевидение, радио, матбуот нашрлари ва электрон оммавий ахборот воситаларида) жами **1 345** мартаба чиқишлар ва бошқа материаллар орқали ёритилди.

АКМлар томонидан 2018 йил 9 ой якунларига кўра жами **2 436** та маданий-маърифий тадбирлар (шу жумладан, янги адабиётлар кўргазмалари ва мавзули кўргазмалар, учрашувлар, китобхонлар конференциялари, семинарлар, китоб тақдимотлари) ўтказилди, тадбирларда жами **128 067** та иштирокчи қатнашди. 97 та виртуал кўргазма, **541** та анъанавий кўргазмалар ташкил қилинди, ҳамда уларда **56 475** нусха нашрлар тақдим этилди.

АКМлар қошидаги ўлкашунослик музейларига ҳудудлардаги турли олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллеж, лицей ўқувчилари ва турли қорхона ва ташкилот мутахассислари учун экскурсиялар ўтказилиб келинмоқда. Ҳисобот даврида **446** мартаба экскурсиялар ташкил этилди.

Ҳисобот даврида АКМ мутахассислари томонидан **166** меъёрий-услубий қўлланмалар ва ёзма маълумотномалар тайёрланди.

2018 йил 9 ой мобайнида 14 ахборот-кутубхона марказлар негизида АКМ ходимларининг **328** нафари Миллий кутубхона ва бошқа ривожланган кутубхоналарда малака ошириш ва семинар ва конференцияларда ўз билим ва кўникмаларини оширишга муваффақ бўлишди.

АКМ жамғармасидаги мавжуд буюк аждодларимизнинг бизгача етиб келган маънавий меросларини келажак авлодларга сифатли етказиб бериш, масофадан туриб аҳолининг кенг қатламларини фойдаланишларига имконият бериш, аудио ва видео вариантини яратиш ва ижтимоий тармоқларга жойлаштириш бўйича “Эпизод” ҳамда “Аудиоҳикоя” лойиҳалари амалга оширилмоқда. Бугунги кунгача **45** та аудио ва 8 та видеолавҳалар [facebook.com](https://www.facebook.com) ҳамда [telegram](https://www.telegram) тармоғига жойлаштирилди.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва ахборот-кутубхона марказларидаги барча турдаги ахборот-кутубхона ресурсларининг ягона базасини шакллантириш ва ундан бошқа ахборот-кутубхона муассасаларида туриб фойдаланишни таъминлашни босқичма-босқич йўлга қўйиш мақсадида ҳудудий АКМлар

томонидан ҳисобот даври давомида **16 019** та китоблар электрон кўринишга ўтказилди.

АКМлар учун тегишли ҳудудда чиқариладиган нашрларнинг мажбурий нусхасининг келиб тушиши бўйича ҳисобот даврида 653/670 ном/нусха китоб ва 46/67 ном/нусха журнал, 242 номдаги газеталар бегараз кутубхона фондига тақдим этилган.

Жамоат жойларида QR-кодлар ёрдамида кутубхоналарда мавжуд электрон китоблар тўғрисидаги маълумотларни махсус таблоларда жойлаштириш ва уларни мобил қурилмаларга юклаб олиш ва ўқиш имкониятини яратиш мақсадида Андижон, Наманган, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоят АКМлари томонидан 953 номдаги миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара асарларини электрон нусхалари билим юртлари, ташкилот ва муассасалар бинолари, шаҳар АРМлари ва бекатларга жойлаштирилди.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрда қабул қилинган “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги ПҚ-3271-сон қарорининг 14-банди: Мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларига ёшларни фаол жалб этиш борасидаги тадбирлар режасини ишлаб чиқиш. Ахборот-кутубхона муассасаларида “Китобхонлар клуби”ни ташкил этиш вазифаси юзасидан:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ахборот-кутубхона марказлари томонидан “Китобхонлар клуби” Низоми ишлаб чиқилган. АКМ мутахассислари томонидан масъуллар белгиланган. Бугунги кунга қадар 14 ҳудудий АКМларда фаолият юритаётган “Китобхонлар клуби”га жами **506** та фойдаланувчилар аъзо бўлган ва уларга **328** маротаба турли мавзуларда тадбирлар ва машғулотлар ўтказиб келинмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида кутубхоналар ташкил этиш мақсадида, 2018 йил 16 май санасида Наманган вилояти Норин тумани марказида Республика Давлат маслаҳатчиси Қ.Қуронбоев, Республика матбуот ва ахборот агентлиги Л.Тангриев, вилоят матбуот ва ахборот ҳудудий бошқармаси З.Мансуров, вилоят ва Норин тумани ҳокимлиги, Нодира номидаги вилоят ахборот-кутубхонаси жамоаси саъй-ҳаракатлари натижасида **“Матбуот -ахборот кутубхона маркази“** очилди.

Шунингдек, ҳудудлардаги ахборот-кутубхона марказлари билан ҳамкорликда **98** та Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамкорликда ишлаб келинмоқда. Уларга мунтазам равишда кўчма кўرғазма ва кўчма кутубхоналар хизмати кўрсатилмоқда. Шу билан бирга “Сайёр китоблар карвони” ҳафталиги ҳамда “Кутубхонага китоб совға қиламан” акцияси, “Маҳалладаги энг фаол китобхон оила” кўрик танловлари ўтказилмоқда.

АКМлар томонидан ташкил қилинган кўчма кутубхоналар сони **331** (аҳолининг зич қатлами жойлашган манзил, қишлоқ, кутубхоналар мавжуд бўлмаган жойлар, маҳалла, корхона, истироҳат боғлари ва болалар оромгоҳлари)га **1 343** маротаба АКМлар томонидан қатнов ташкил қилинди. Уларга аҳоли томонидан қатнов – **92 077**, уларга тақдим этилган нашрлар сони – **44 723**, китоблар ва электрон ресурсларнинг берилиши – **250 409** тани ташкил этди. Фойдаланувчиларга ҳужжатларни электрон етказиб бериш (ЭДД) хизмати бўйича 9 ой давомида **470** фойдаланувчининг жами **21 217** сўровига асосан маълумот етказилди.

АКМларда аҳолига асосий бепул кутубхона хизматларидан ташқари қўшимча (пуллик) ахборот-кутубхона хизматлари ҳам кўрсатиб келинмоқда. ҳисобот даврида фойдаланувчиларга кўрсатилган пуллик хизматдан тушган пул маблағлари жами 27 595,0 минг сўмни ташкил этди.

Вилоят ахборот-кутубхона марказларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг методик бурчаги ташкил этилди. Мазкур методик бурчак кутубхоначи-мутахассислар, ҳамда фойдаланувчиларни Миллий кутубхона томонидан чоп этилаётган методик-библиографик қўлланмалар, услубий тавсиялар, маълумот ахборот-ресурслар, электрон ресурслар, тарқатма материаллар билан ўз вақтида таъминлашга замин яратиб келмоқда.

10. Миллий кутубхона томонидан республика ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ўрганиш ва методик ёрдам кўрсатиш

“Ахборот-кутубхона муассасалари мутахассисларига Ўзбекистон Миллий кутубхонасида замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда услубий ёрдам кўрсатиш” ўқув машғулоти давом эттирилмоқда. Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида ўқув машғулотларда республика ахборот-кутубхона муассасаларининг 162 нафар мутахассиси қатнашди. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари – 42 нафар;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 107 нафар

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасалари мутахассислари сони – 1 нафар

Ўзбекистон Республика Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги ахборот-кутубхона муассасаси мутахассиси – 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги тасарруфидаги кутубхоналар – 10 нафар

Ўзбекистон темир йўллари АЖ тасарруфидаги темир йўл илмий-техник кутубхонаси – 1 нафар

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғин хавфсизлиги институтининг 2018 йил 19 январдаги 4411-179-сон хатига мувофиқ, институтда янги ўқув-лаборатория биноси қурилиши муносабати билан Ахборот-ресурс маркази учун ажратилаётган жойни давлат стандартлари асосида лойиҳалаш ҳамда техник жиҳозлаш ва бошқа масалалар бўйича методик ёрдам кўрсатилди.

2018 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги мурожаатига асосан кутубхонасининг аҳволи ўрганилди ва жорий ҳолати, муаммо ҳамда камчиликлари, кутубхонанинг хизмат кўрсатиш ишини такомиллаштириш, методик ёрдам кўрсатиш, ходимлар малакасини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академиясининг мурожаатига мувофиқ, ахборот-кутубхона фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминланди.

Турон ахборот-кутубхона марказида коллеж ва лицей ахборот-ресурс марказлари мутахассислари учун ахборот-кутубхона фаолияти бўйича методик ёрдам кўрсатилди

“OZLITINEFTGAZ” акциядорлик жамиятининг илмий-техник кутубхонаси ишини такомиллаштириш ва жиҳозлаш бўйича методик ёрдам берилди.

Авлоний номидаги ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институти кутубхонасига кутубхоначилик ишини такомиллаштириш ва фондни сақлаш, баҳолаш, ҳисобдан чиқариш, далолатномалар бўйича методик ёрдам берилди.

Республика Бош прокуратурасига Халқ таълими вазирлиги тизимидаги мактаб кутубхоналари ва ахборот-ресурс марказларини танқидий ўрганилганлиги бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2018 йил 20 апрелдаги 303 сонли буйруғига ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 2018 йил 27 апрелдаги 60-сонли буйруғи асосида ахборот-кутубхона марказларининг фаолияти саволнома асосида ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 июндаги 10831-хх-сон топшириғини сўзсиз ижросини таъминлаш юзасидан Ишчи гуруҳи билан биргаликда 2018 йилнинг 28 – 31 июнь кунлари Самарқанд вилоятининг барча туман ва шаҳарларида ахборот-кутубхона муассасалари, таълим муассасаларининг кутубхоналари ҳамда туман ва шаҳарларда ташкил этилган китоб савдо мажмуалари фаолияти ва уларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2018 йил 2-ярми учун мўлжалланган иш режасига асосан, “Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида” ги Қонун ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси бўйича Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси Ишчи гуруҳи иштирокида ўрганилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 10 августдаги хатига асосан вазирлик ва идоралар тизимидаги ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳолати, асосий кўрсаткичлари, муаммо ва тажрибалари саволнома асосида ўрганилди ҳамда тегишли тартибда жавоб хати тайёрланди.